

ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.

ТДПУ ўқитувчиси

Байметов Мухамматали Мехриддинович

Аннотация: Мақолада ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда технология дарсларининг ўрни, касб-хунарга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал-ижодкор баркамол авлодни тарбиялаш ва олинган билимларни амалда қўллашни назорат қилиш ҳамда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш каби масалалар ёритилиган.

Annotation: The article discusses the role of technology lessons in the formation of creative abilities, preparation for independent life through vocational guidance, raising an intellectually and creatively mature generation, monitoring the practical application of the acquired knowledge, and evaluating the results of students' educational activities.

Аннотация: В статье рассматривается роль уроков технологии в формировании творческих способностей, подготовке к самостоятельной жизни через профориентацию, воспитании интеллектуально и творчески зрелого поколения, контроле практического применения полученных знаний, оценке результатов учебной деятельности учащихся.

Калит сўзлар: компетентлик, амалиёт, талаба, касбий кўникма, амалиёт раҳбари, ривожлантириш, самарадорлиги, меҳнат, мустақил.

“Технология” фанининг тарихий тараққиёти таҳлил қилинганда турли сиёсий даврларда фаннинг мазмуни ўзгариб борганлигини кузатиш мумкин. Жаҳондаги ривожланган давлатлар таълим тизими ўрганилганда технологик таълимга катта эътибор қаратилганлиги ва ўқувчилар мактаб ёшидан мустақил ижодий ишларни бажаришга жалб этилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Меҳнат жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигининг муҳим манбаи бўлиб, у шахсий таълимнинг асосидир. Узоқ ва самарали меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар ким уларни фаолиятининг исталган йўналиши бўйича қўллаши мумкин. Шунинг учун меҳнат таълими умумий ўрта таълим жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кичик ёшдаги болаларга меҳнат таълими оилада, мактабда шаклланади ва меҳнат вазифалари ҳақида бошланғич фикрлардан бошланади. Меҳнат шахснинг руҳий ва ахлоқий кўникмаларини ривожлантириш учун зарур ва муҳим восита бўлиб қолмоқда.

Шу боисдан ўқувчи ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал-ижодкор баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабидаги аввалги “Меҳнат таълими” фани “Технология” фани деб ўзгартирилди ва бугунги кун талабидан келиб чиқиб, кўп тармоқли йўналишларга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқилди.

Технологик таълим кичик ёшдаги ўқувчиларга максимал ишлаб чиқариш тажрибаси, меҳнат кўникмаларини бериш, уларнинг ижодий тафаккури, меҳнатсеварлиги ва меҳнаткаш онгини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларни турли хил ижтимоий фойдали иш турларига жалб қилиш жараёнидир. Шу сабабли, технология фани ўқитувчилари кичик ёшдаги ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган ахлоқий муносабатини, уларнинг ватан ва оила олдидаги бурчини тушунишини, вояга етганда ишлашнинг фойдали ва зарурлигини, шунингдек одамларга ва ўзларига фойда келтириши лозимлигини ўргатиши керак. Жумладан бошланғич синф технология фани кичик ёшдаги болани меҳнатга руҳий жиҳатдан тайёрлайди: у инсон ҳаётидаги меҳнатнинг аҳамиятини англайди, ўқувчи меҳнатдан завқланишни, яшаш ва ишлаш истиқболини ўрганади, жамият эҳтиёжига кўра меҳнатга ижодий ёндашиб моддий қадриятларни яратади.

Таълим тамойиллари тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнининг характери, йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар

ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини ўз ичига олади.

Шунга кўра, технологик таълим тамойиллари орасида политехник тамойили катта аҳамиятга эга.

Политехник тамойили. Ўқув устахоналардаги машғулотларда ўсмирлар бошланғич таълим синфларида ўзлаштирган қатор политехник малакаларни қўллаши ва такомиллаштириши жуда муҳим. Қоғозни режалашда линейка ва қаламдан фойдаланиш малакасини эгаллаш кейинги мураккаброқ моделларнинг қисмларини режалашда қўллаши керак. Бундан ташқари технология фани ўқитувчиси ўз дарсида ўқувчиларнинг фан асослари бўйича (табиатшунослик, физика, кимё, математика, расм ва ҳоказолардан) олган билимларидан бажариладиган объектлар: техникавий қурилма, модель, макет ва бошқаларни тайёрлаш технологиясини асослашда фойдаланиши керак. Моделлаштириш жараёнида ўқувчилар яна шу иш бўйича бошланғич таълим синфларида олган билимларини қўллаши ва ҳоказолар учун чекланмаган имкониятлар вужудга келади.

Бошланғич синф технология фани ўқитувчиси дарсга тайёрланаётганда турли хил метод ва усулларни қўллаб янги материални қандай баён қилишни ўйлайди. Унинг олдида ўқувчиларни ўқув ишлаб чиқариш жамоаларини ташкил қилиш, улар орасида ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўйиш масаласи пайдо бўлади. Бундан ташқари бошқа ўқув фанлардаги каби технология ўқитувчисида ўқувчиларни технология усуллари тўғри бажаришни, олинган билимларни амалда қўллашни назорат қилиш ва уларнинг ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш функцияси сақланиб қолади.

Бизнинг фикримизча қуйидагилар технология фани ўқитувчисига хос бўлиши керак:

1. Юқори ижодий малака. Масалан, ўқитувчи технология фани жараёнида I-IV синф ўқувчиларига қоғоз ва картон билан ишлашда, табиий материаллар билан ишлашда, газлама ва ип билан ишлашда ижодий ёндашишга ёрдам беради.

2. Юқори психологик-педогогик тайёргарлик. Технология ўқитувчисининг ўзи билим ва малакаларини юксак савияда эгаллабгина қолмай, балки ўқувчилар ҳам маълум малакаларни таркиб топтириш учун уларга билимлар бериш керак.
3. Ўз касбига муҳаббат. Мактабда ишлаш кўп хурсандчилик, ижодий хузур бағишлайди, аммо буларга чидамлилик, хайрихохлик, тарбияланувчиларга хурмат, уларга муҳаббат билангина эришилади.

Бошланғич синф ўқувчилари технология фани жараёнида фойдаланиладиган услубий воситалар ҳам ўзгармай қолмайди. Ўз ишига ижодий ёндашувчи ўқитувчилар ўқувчиларга таъсир қилишнинг янги формаларини, узлуксиз равишда билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришни янги усуллари топадилар. Ўргатувчи ижодий фаолиятига, биринчи навбатда, ижодкор шахснинг сифатларини шакллантиришга ва уни ривожлантиришга ёрдам берувчи фаолият сифатида қараймиз. Бу фаолият давомида ўқувчиларнинг ақлий фаолликлари, билафонликлари, аниқ иш бажариш учун зарур бўлган билимларни эгаллашга интилишлари, буюм ясашда мавжуд муаммони ечимини топишда мустақилликлари, ноодатий ечимларнинг ичида энг асосийларини танлай билиш каби сифатлари ривожланади.

Ижодкорлик дарсларини лойиҳалаштиришда дарснинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Дарснинг якуний мақсадини бошланғич синф ўқувчиларининг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришдан иборат этиб белгилаш мумкин. Бу мақсадга ўқувчилар қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни белгилаш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун аниқ вазифалар қуйидагича белгиланди.

1. Ўқувчиларни турли фаолиятга жалб қилиш. Бунга технология дарсида махсус танланган амалий ишлар турлари орқали эришиш мумкин. Бу ишларнинг муваффақиятли бажарилиши тасвирий санъат, математика, табиатшунослик ва бошқа фанлар бўйича олган билимлардан фойдаланишни тақозо этади.
2. Ўқувчиларда ижодий фаолиятнинг янги турларини тез ўзлаштиришга ёрдам берувчи малака ҳосил қилиш.

Ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятлари, уларни ижодкорликка ўргатишнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда технология дарсларини қуйидаги омиллар асосида лойиҳалаштириш тавсия этилади.

1. Амалий машғулотларни ташкил қилишда ўқувчи учун керакли ахборотни танлай билиш лозим. Зеро, якуний мақсадга қаратилмаган ҳар қандай ахборот мақсадга эришишни қийинлаштиради, таълим самарадорлигини кескин пасайтиради.

2. Технологиянинг кўпгина турларида ўқувчилар илгариги ишларидан таниш бўлган айрим иш элементлари, усул ва қоидалари билан учрашадилар. Улар янги материални ўрганиш чоғида ўзига маълум қоидаларни қўллайдилар. Айтайлик, ўқувчининг ижодкорлик қобилияти фақат битта йўналишда ўргатилса, у бу фаолиятни катта меҳнат эвазига ўзлаштиради. Лекин у бир вақтнинг ўзида буюм ясаसा, чизса, модель тайёрласа, мақсадига осон эришади.

3. Ўқувчи бир ишни 3-5 машғулотда катта қизиқиш билан бажариши мумкин. Демак, унда технологияга қизиқишни ушлаб туриш учун иш турларини тез-тез ўзгартириб туриш зарур: 3-5 машғулотда кема нусхасини тайёрлаш, 3-5 машғулотда сомондан буюм ясаш ва ҳоказолар бажарилса, ўқувчилардаги иштиёқни узоқ муддат давомида ушлаб туриш мумкин. Шу тариқа ўқувчилар қизиқишидаги бу салбий ҳолатдан машғулотларга қизиқишни қўллаб-қувватлаш йўлида фойдаланиш мумкин.

4. Ўқитувчининг ўқувчи ишини доимий назорат қилиши. Ўқувчи иш бажараётганда унинг бутун ҳатти-ҳаракати ўқитувчи назорати остида бўлиши лозим. Назорат сусайган жойда кўникма йўқ бўлиб кетиши ёки нотўғри шаклланиши мумкин.

Инсон фақатгина интелектга эга бўлгандагина оқилона ишлар қилиши ижод билан шуғулланиши, меҳнат қилиш, изланиши, моддий ва маънавий жихатдан тўлақонли ҳаёт кечириш мумкин. Жамият ривожини ҳам бевосита ёшларимизнинг, кадрларимизнинг интеллектуал салоҳиятга боғлиқ. Бизнинг асримиз фан-техника ютуқларининг мислсиз даражада тараққий этиш даври бўлиб - кадрларимиз,

ёшларимиз салоҳияти ҳам юқори бўлишни талаб қилади. Жамият ривожланар экан замон биздан янги-янги кашфиётларни талаб қилади. Янги техника, технологияларни талаб қилади. Бунинг учун биз умумтаълим мактабларидан бошлаб ёшларни қобилиятларидан келиб чиқиб ижодий ишларга жалб қилишимиз ихтилочилиikka ўргатиб билим доирасини кенгайтириб боришимиз лозим. Ёш авлодни ижодий технологияга тайёрлаш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ўзига хос омилдир.

Демак бугунги кунда истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш; ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга Республикамизда алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг турли вилоят, туманларида ташхис марказлари бу ишлар юзасидан иш олиб бормоқда. Олиб борилаётган бу ислохатлар бежиз эмас.

Шуни аниқ биламизки инсон тараққиётининг барча давларида ижодий технология жамиятни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб келган. Шундай экан, ёш авлодни ижодий технологияга ўргатиш, уни ўз замонасининг энг илғор билимлари билан қуроллантириш барча давларда ҳамма халқлар учун энг долзарб вазифа ҳисобланади. Биз ана шу вазифамизни аъло даражада адо этсак жамиятимиз ривожланади. Энг аввало жамиятнинг тобора ошиб бораётган моддий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қондирган бўламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Байметов М.М. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари. - Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў. №1/1 2022.
2. Байметов, М. М. (2022). Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини ошириш йўллари. Academic research in educational sciences, 3(8), 160-165.
3. Байметов, М. М. (2021). Касб-хунар мактабларида ўқув амалиётларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Academic Research in Educational Sciences, 2(4), 1190-1195.